



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 09 | pp. 476-482 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### РАҚОБАТБАРДОШЛИК ДАРАЖАСИ ЮЗАСИДАН ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ



Бахритдинов Шерзодбек Баҳодирович

Андижон давлат университети

Иқтисодиёт кафедраси мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация.** Мақолада рақобатбардошлик даражаси юзасидан илмий қарашларнинг ривожланиш эволюцияси бўйича назарий билимлар келтирилган. Шунингдек, мақолада “Рақобат самараси”, “Тадбиркорлик ва инновациялар концепцияси” ҳамда “Рақобатбардошлик концепциясига”га кўра рақобатбардошлик даражаси юзасидан илмий фикрлар келтирилган.

**Калит сўзлар.** Рақобат самараси, рақобатлашув, рақобатбардошлик концепциясига, мутлоқ устунлик, бозорни тўғри сегментлаш, ахборот алмашинуви, инновациялар рақобатбардошлиги.

#### 1. Кириш.

Жаҳон хўжалигида ишлаб чиқариш муносабатларининг тобора глобаллашуви натижасида турли саноат тармоқларида бўлгани сингари озиқ-овқат соҳасида хўжалик фаолияти юритаётган корхоналарнинг рақобат устунлигини таъминлаш масаласи иқтисодий муносабатлар тизимида илмий ва амалий жиҳатдан долзарб аҳамият касб этувчи муаммолар қаторидан ўрин эгаллаб келмоқда. Нафақат озиқ-овқат соҳаси, балки, турли соҳаларда хўжалик фаолияти юритувчи корхоналар рақобатбардошлигини таъминлаш зарурияти қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчи, жаҳон хўжалигининг глобаллашуви натижасида мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш муносабатлари амал қилишида ўзаро алоқадорликнинг тобора кучайиб бориши. Бу эса мамлакатлар миллий иқтисодиёти ўртасида ўзаро рақобат курашини вужудга келтириб, турли иқтисодий тармоқлар, жумладан, озиқ-овқат соҳаси корхоналари рақобатбардошлигини таъминлаш заруриятини вужудга келтиради. Ушбу мақсадга эришиш учун товар ва хизматларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш, нисбий ва мутлоқ рақобат устунликларидан хўжалик фаолиятида самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширадилар [13, -pp.92];

иккинчи, глобаллашув шароитида халқаро капитал миграциясида векторал ўзгаришлар содир бўлган ҳолда, глобал рақобат курашига киришувчи гигант ҳисобланган трансмиллий компаниялар фаолиятини ривожлантиришга устуворлик қаратилади. Бунда мамлакатлар миллий иқтисодиётида хўжалик фаолияти юритаётган йирик корхоналарни қўллаб-қувватлаш орқали улар фаолиятини глобаллаштиришга интилишлари сабабли трансмиллий компаниялар ташкил топган ҳолда, бу турдаги корхоналар ўртасидаги рақобат курашлари мамлакатлар

миллий иқтисодиётлари ўртасидаги рақобатлашув сифатида ҳам баҳоланади [7, -pp.10];

учинчи, ишлаб чиқариш муносабатларининг тобора глобаллашуви натижасида глобал ишлаб чиқариш занжирига мамлакатлар миллий иқтисодиётининг интеграциялашуви даражасини ортиши ҳисобига халқаро даражада рақобатлашувчи миллий иқтисодиётлар сони ортди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда дастлаб Европа Иттифоқи, АҚШ ва Япония каби мамлакатлар жаҳон бозорида етакчилик қилган бўлишса, вақт ўтиши билан улар қаторига турли мамлакатлар, жумладан, Осиё, Лотин Америкаси каби мамлакатлар қўшилди. Бу эса халқаро даражада ўзаро рақобатлашувчи миллий иқтисодиётлар сонининг ортишига олиб келди [6, -pp. 200].

Бугунги кунга қадар иқтисодий адабиётда рақобатбардошликни таъминлаш масаласи турли иқтисодчи олимлар томонидан иқтисодий ривожланишнинг турли даврларида тадқиқ этилиб келинаётган ҳали ҳануз ўз ечимини топмаган илмий муаммолар қаторидан ўрин эгаллайди. Ушбу ҳолат мамлакатлар миллий иқтисодиётининг турли тармоқлари, жумладан озиқ-овқат соҳасида ишлаб чиқариш муносабатларининг тобора такомиллашиб, мураккаб ташкилий тузилма сифатида ривожланиб келаётганлиги билан изоҳланади.

**2. Тадқиқот методологияси** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарларида баён этилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумий стратегияси, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ҳукумат қарорлари, шунингдек, олимларнинг рақобатбардошликни бошқариш муаммоларига бағишланган илмий ишлари ҳамда илмий қарашларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи ҳужжатлар ташкил этади.

**3. Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Турли иқтисодий мактаб вакиллари томонидан рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган илмий қарашларнинг эволюцион ривожланишини ўрганилган.

А. Смитдан фарқли ўлароқ, Д. Рикардо маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фақатгина мутлоқ устунликка эмас, балки, нисбий устунликка асосланган ҳолда рақобатбардошликни таъминлаш мумкинлигини исботлаган. Д. Рикардо фикрича, “эркин савдо шароитида мамлакатлар мутлоқ устунликка эга бўлмаган ҳолда ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ички ва ташқи имкониятларидан келиб чиққан ҳолда нисбий устунлик асосида юқори иқтисодий самарадорликка эришишлари мумкин бўлади” [10, -pp.730].

Ж.М. Кларкнинг “Рақобат самараси” назариясига кўра, “корхоналар юқори даражадаги рақобатбардошликни таъминлашлари учун улар инновцион фаолликни оширишлари керак бўлади. Корхонада инновцион фаолликни ортиши ҳисобига ҳужумкор рақобатга киришиб, технологик ривожланишни таъминлайди. Бу эса мамлакат миллий иқтисодиётида барқарор иқтисодий ўсишга эришиш имконини беради” [1, -pp.1748].

Л. вон Мисес томонидан ишлаб чиқилган “Австрия иқтисодий мактаби назарияси” да корхона рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича қуйидаги фикрлар учрайди: “бозор рақобати бозор иқтисодиётининг таркибий тузилмаси эмас, балки динамик ривожланиш хусусиятига эга бўлган жараён ҳисобланиб, хўжалик юритиш

(яъни, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш) фаолиятининг натижаси бозор мувозанатини таъминлашга мойиллиги билан характерланади. Бундай шароитда корхоналар рақобатбардошлигини таъминлаш учун уларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини бозор талабига мослаштириш керак бўлади” [3, -рр. 35].

К.Следзик томонидан ишлаб чиқилган “Тадбиркорлик ва инновациялар концепцияси”га кўра, “корхонанинг инновацион ривожланиш салоҳияти унинг рақобатбардошлигини таъминлаш имкониятини ўзида акс эттириб, янгиликларни жорий этиш бўйича тадбиркорлик фаолиятига хос бўлган таваккалчиликни ифодалайди” [14, -рр. 105]. Олимнинг илмий қарашларида корхона фаолиятида ишлаб чиқариш жараёнлари мунтазам равишда такомиллашиб бориши орқали юқори рақобатбардошликка эришилиши мумкинлиги таъкидланган бўлиб, инновациялар такомиллашув жараёнининг маҳсули сифатида баҳоланганлиги билан характерланади [9, -рр. 39].

П.Р. Кругманнинг “Рақобатбардошлик концепциясига”га кўра, “корхона рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш талаб этилади” [17, -с. 20].

#### **4. Таҳлил ва натижалар.**

Рақобатбардошликни таъминлаш масалари дастлаб Классик иқтисодий мактаб вакиллари томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, А. Смит томонидан ишлаб чиқилган “кўринмас кўл” концепциясида “эркин савдо амал қилиши шароитида мамлакатлар ўзларининг мутлоқ устунликларига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиши ҳисобига ихтисослашуви натижасида юқори фойда олиш имкониятига эришади. Бунда улар ихтисослашган маҳсулот ишлаб чиқариш харажати минималлашиб, бу турдаги товарни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳисобига юқори иқтисодий самарадорликка эришилса, уни импорт қилиш мамлакат учун қимматга тушади” [15, -рр. 540] деган қараш шаклланган. Ушбу илмий қараш бугунги кунга қадар амалиётда ўз исботини топиб келаётган назариялар қаторидан ўрин эгаллайди.

Классик иқтисодий мактаб вакилларида яна бири Ж. Олин ўзи томонидан ишлаб чиқилган “савдо назарияси”да рақобатбардошликни таъминлаш бўйича қуйидаги фикрни билдиради: “Ҳар қандай мамлакатда ишлаб чиқариш омилларидан интенсив фойдаланиш ҳисобига товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашиш орқали юқори рақобатбардошликка эришиш мумкин бўлади. Бунда капиталга эгалик қилаётган мамлакатлар кўп капитал талаб қилувчи товар ва хизматларни, меҳнат ресурслари кўп бўлган мамлакатлар эса кўпроқ меҳнат талаб қилувчи товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашиши билан биргаликда, улардан фойдаланишнинг интенсив йўларини излаб топишлари керак бўлади” [5, -рр. 50]. Ушбу илмий қараш А. Смит ва Д. Рикардолар томонидан ишлаб чиқилган “мутлоқ” ҳамда “нисбий” устунлик назарияларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда, уларни янада такомиллаштирилганлиги билан характерланади. Яъни маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мутлоқ ёки нисбий устунликка эга бўлишнинг ўзи етарли эмаслиги исботланган ҳолда, рақобатбардошликни таъминлаш учун устун жиҳатдан фойдаланиш

самарадорлигига эришиш талаб этилишига устуворлик қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади [12, -с.5].

Классик иқтисодий мактаб вакиллари томонидан рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган илмий қарашларни таҳлил қилиш асосида айтиш мумкинки, ишлаб чиқариш муносабатларининг такомиллашуви билан биргаликда, соҳада фаолият юритувчи хўжалик субъектлари сонининг ортиши натижасида ишлаб чиқариш омиллари, айниқса, нисбий ёки мутлоқ устунликка эришилган омиллардан самарали фойдаланиш талаб этилганлиги аниқланди. Бу эса рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган илмий қарашларнинг мунтазам равишда такомиллашиб боришига сабаб бўлган.

Шунингдек, Неоклассик иқтисодий мактаб вакиллари ҳам рақобатбардошликни таъминлаш масаласини чуқур тадқиқ этишган. Мазкур илмий қараш Классик мактаб вакилларида фарқли ўлароқ корхона даражасида рақобатбардошликни таъминлашга қаратилганлиги билан характерланади. Шу билан биргаликда, унда корхоналарнинг инновацион фаоллигини ошириш орқали юқори рақобатбардошликни таъминланиши мумкинлиги таъкидланганлиги, ишлаб чиқариш бўйича техник-технологик жиҳатдан қуролланганлик даражасининг юқори бўлиши рақобатбардошликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида намоён бўлишидан далолат беради [16, -рр. 122].

Яна бир Неоклассик иқтисодий мактаб вакили ҳисобланган АҚШлик иқтисодчи олим В. Алдерсоннинг “Маркетинг хулқ-атвори” назариясига кўра, “ҳар қандан корхона амалиётида рақобатбардошликни таъминлашнинг қуйидаги олти турдаги потенциал имкониятлари мавжуд: бозорни тўғри сегментлаш, ахборот алмашинуви бўйича ўзаро алоқаларни тўғри ўрнатиш (реклама, тарғибот ва ташвиқот), корхона миқозлари билан ўзаро алоқани ўрнатиш (тарқатиш ва сотиш каналларини бўйича), талабга мос маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш жараёнларини мунтазам такомиллаштириб бориш ва маҳсулот инновацияларини жорий этиш” [11, -рр.445]. Мазкур илмий қараш бутунги кунда аксарият тараққий этган мамлакатлар амалиётида кенг фойдаланиб келинаётганлиги билан характерланади. Бунда корхона рақобатбардошлигини таъминлаш учун миқоз эҳтиёжлари ва бозордаги мавжуд талабга мос келадиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш амалиётига ўтишга устуворлик қаратилади.

Ушбу илмий қарашга асосланган ҳолда бозор талабига мос бўлган товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи корхоналар юқори рақобатбардошликка эришиш мумкин бўлади, деган хулосага келиш мумкин бўлади. Шунингдек, мазкур илмий қараш В. Алдерсоннинг фикрлари билан ўзаро ўхшаш хусусиятларга эгаллиги ишлаб чиқаришнинг бозор талабига йўналтилиши ҳисобига рақобатбардошликни таъминланишини ўз аксини топади [19, -рр. 368].

Ж.А. Шумпетернинг “Эволюцион иқтисодиёт” концепциясида ҳам корхоналар рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган илмий қарашлар шаклланган. Унинг фикрича, “корхоналар бозорда узоқ муддат ўз мавқеъларини сақлаб қолишлари учун мунтазам равишда ўзларининг фаолияти натижасида жамланган ресурсларини инновациялар билан рекомбинациялашувини амалга ошириши керак бўлади” [2, -рр. 129].

Шунингдек, “Институционал иқтисодий мактаб” вакилларида Ф. Лист, М. Вебер, Ж. Бучананлар “корхона рақобатбардошлигига ички омиллардан ташқари, давлат аралашади (қўллаб-қувватлаш дастурлари), мамлакатда яратилган иқтисодий шарт-шароитлар (бизнес юритиш муҳити, инвестицион жозибадорлик, меҳнат бозори ва ҳ.к.), молиявий институтлар, мулкчилик шакллари, ижтимоий-иқтисодий институтлар, ҳуқуқий-институционал асосларнинг яратилганлиги ҳолати каби қатор ташқи омиллар таъсир кўрсатади” [4, -pp. 5] деган фикрни илгари суришган. Ушбу илмий қараш аввалгиларидан фарқли ўлароқ, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви натижасида корхоналар рақобатбардошлигини таъминлашлари учун тегишли шарт-шароитларни яратишга хизмат қилиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда иқтисодий адабиётда рақобатбардошликни таъминлашнинг замонавий илмий асослари П.Р. Кругман ва М.Е. Портерлар томонидан ишлаб чиқилган назарияларда ўз аксини топади [8, -pp. 69]. М.Е. Портер эса “корхона рақобатбардошлигини таъминлашда маҳсулот ишлаб чиқариш, бошқаруви ва корхона фаолиятига оид бўлган бошқа жараёнларда мунтазам равишда инновацияларни қўллаб-қувватловчи омиллар таъминотини йўлга қўйиш керак бўлади” [18, -с. 980], деб ҳисоблайди.

Иқтисодий адабиётда рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган замонавий концепцияларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан биргаликда, корхонанинг инновацион фаолиятини ривожлантиришга устуворлик қаратилганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Умуман, рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган илмий қарашлар эволюцияси таҳлилга кўра, дастлабки назариялар умумий, яъни макроиқтисодий аҳамият касб этган бўлса, иқтисодий муносабатлар тизимида ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора ривожланиб бориши натижасида бу турдаги илмий қарашлар хусусийлашиб, микро даражага ўтганлигини аниқлади. Шунингдек, рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган замонавий концепциялар жараёни ёндашув асосида ишлаб чиқилганлиги билан характерланади.

**5. Хулоса ва таклифлар.** Ушбу ишда олиб борилган тадқиқотлар қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон берди:

биринчи, классик ёндашувларда ишлаб чиқариш омилларига эгалик нуқтаи-назаридан мутлоқ ёки нисбий устунликка асосланган ҳолда рақобатбардошликка эришиш мумкинлигига устуворлик қаратилган. Бунда ишлаб чиқариш корхоналари сони бошқа даврларга нисбатан кам бўлганлиги сабабли, макроиқтисодий рақобатбардошликни таъминлаш бўйича илмий қарашлар шакланган;

иккинчи, неоклассик ёндашувларни ишлаб чиқилиши шароитида ишлаб чиқариш корхоналари сони ортиши билан биргаликда, корхоналар фаолиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларга устуворлик қаратилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, жумладан, ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг бозор айланмасини тезлаштиришга қаратилган илмий қарашлар шакланган;

учинчи, австрия иқтисодий мактаби вакиллари корхона рақобатбардошлигини таъминлашда корхона фаолиятини бозор талабига мослаштириш ғоясини илгари сурадилар. Бунда корхона инновацион фаолияти ҳам айнан бозор талабига мос келиши талаб этилади;

тўртинчи, институционал иқтисодий мактаб вакилларининг корхоналар рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган илмий қарашларида кенсчилик учун хос бўлган давлат аралашувини қўллаб-қувватлаш хусусияти мавжуд эканлиги аниқланди. Бунда давлат томонидан корхона рақобатбардошлигини таъминлаш учун етарли шарт-шароитлар яратиш билан биргаликда, ташқи омилардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга устуворлик қаратилган ҳисобланади;

бешинчи, рақобатбардошликнинг замонавий концепциялари корхонанинг инновацион фаоллигини оширишга устуворлик қаратилганлиги билан характерланиб, инновациялар рақобатбардошликни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида баҳоланган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Aranoff G. Thought Experiment: Marginal Cost versus John M. Clark's Workable Competition Pricing. *Modern Economy*, 11, 2020. – pp. 1742-1751
2. Fagerberg J. Schumpeter and the Revival of Evolutionary Economics: An Appraisal of the Literature. *Journal of Evolutionary Economics*, 13 (2), Feb. 2003. – pp. 125-159
3. Herbener J.M. Ludwig von Mises and the Austrian School of Economics. *The Review of Austrian Economics*, Vol. 5, No. 2, 1991. pp. 33-50
4. Hodgson G.M. Institutional Economics into the Twenty-First Century. *Studi e Note di Economia*, Anno XIV, n. 1, 2009. – pagg. 03-26
5. Leamer E.E. The Heckscher-Ohlin Model in Theory and Practice / Edward E. Leamer. *Princeton Studies International Finance*, № 77, Feb. 1995. – 50 p.
6. Lee J., & Karpova E. Revisiting competitiveness theory in the new global environment: Review and analysis of the competitiveness definition. *International Journal of Competitiveness*, 1(3), 2018. – pp. 189-205.
7. Melnyk O., Yaskal I. Theoretical Approaches to Concept of "Competition" and "Competitiveness". *Ecoforum*, Vol. 2, Issue 2 (2), 2013. – pp. 8-12
8. Psafogiorgos N.A. Metaxas Th. "Porter vs Krugman": History, Analysis and Critique of Regional Competitiveness. *Journal of Economics and Political Economy*. Vol. 3, Iss. 1. March 2016. – pp. 65-80
9. Умаров, И. Ю., & Бурибоевой, И. А. (2019). Пути повышения конкурентоспособности предприятий пищевой промышленности. *Zbiór artykułów naukowych recenzowanych*, 39.
10. Ruffin R.J. David Ricardo's Discovery of Comparative Advantage. *History of Political Economy*, 34 (4), Dec. 2002. – pp. 727-748
11. Shaw E.H., Lazer W., Pirog S. Wroe Alderson: Father of Modern Marketing. *European Business Review*, 19 (6), Oct. 2007. – pp. 440-451
12. Yuldashevich, U. I., & Mukhammadeldor, R. (2021). The impact of digital economy on the development of small business and private entrepreneurship. *Восточно-европейский научный журнал*, (2-3 (66)), 4-7.

13. Siudek T., Zawajska A. Competitiveness in the Economic Concepts, Theories and Empirical Research. *Oeconomia* 13 (1) 2014. – pp. 91-108
14. Sledzik K. Schumpeter's View on Innovation and Entrepreneurship. *Management Trends in Theory and Practice*, (ed). Stefan Hittmar. SSRN Electronic Journal. Apr. 2013. – pp. 89-95. DOI: 10.2139/ssrn.2257783
15. Smith A. *An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations*. Edinburg: Printed for Adam Black, and William Tait, and oth. London. – 1776. – 540 p.
16. Umarov, I. Y. (2021). Use Of Innovations And Modern Methods In The Logistics Network. *European Proceedings of Social and Behavioural Sciences*.
17. Пилипенко И.В. Анализ основных зарубежных теорий конкурентоспособности стран и регионов в мировом хозяйстве. // *Известия Академии Наук*. № 6. 2003. – с. 15-25
18. Портер М. *Международная конкуренция: пер. с англ. / под ред. и с предисп. В. Щетинина*. М., 2006. – 980 с.
19. Умаров, И. Ю., & Хусанова, З. Р. (2019). ПРИМЕНЕНИЕ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ-КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ УРОВНИ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ. In *Материалы VII Международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы социально-трудовых отношений»*, посвященной (pp. 367-369).

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

